“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти
акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши
БАЁНИ

2020 йил 24 июл **№ 02/2020** **Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар залида ва “Электрон овоз бериш” йўли билан.

Санаси ва вақти: 24 июл 2020 йил, соат 10:00.

Йигилишга раислик қилди:

А. Эргашев - Узбекистон Республикаси Молия вазири ўрибосари.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, мазкур жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарорига биноан “Ўзагролизинг” АЖ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилди.

Жамиятнинг молиявий йил якунланиши муносабати билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 30 июндаги 263-сонли қарори акциядорларнинг Умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Эргашев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг Умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан А. Эргашев - Умумий йиғилиш раиси, А. Сулаймонов ва А. Сайфуллаев Умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ва Б. Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

14. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

15. Жамият Бошқаруви тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

17. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

Умумий йигилиш раиси А. Эргашев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 30 июндаги 263-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Мирсаидова Манзура Муроджон қизи, Сайфуллаев Одилхон Собитхон ўғли ва Курбанбаев Дилшод Мақсудбековичдан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йигилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йигилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича электрон ва бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур комиссиянинг Саноқ комиссияси раиси этиб О. Сайфуллаев сайланганлиги тўғрисидаги 2020 йил 24 июлдаги 1-сонли баённомаси Умумий йигилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан Умумий йиғилишда жамиятнинг 39 468 326 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 8 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг 94,67 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2020 йил 24 июндаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш

Умумий йиғилиш раиси А. Эргашев, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи учун - 20 дақиқа;

Кун тартибининг 4,5,6,7 ва 10-бандларида қайд этилган кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг, жамият йиллик ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 5 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича электрон ва бюллетенда очиқ овоз йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш

Мазкур масалада "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти Бошқарув раиси А. Сулаймонов маъруза қилди ва қуйидагиларни айтиб ўтди.

"Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан 2019 йилда республика қишлоқ хўжалигига умумий қиймати 827,3 млрд. сўм бўлган 6590 дона қишлоқ хўжалик техникалари лизингга етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 125,2 фоизни ташкил этади.

Ҳисобот йилида 100 дона "Arion-630c", 12 дона "John Deere 6155M", 26 дона "T6070", 116 дона "ТД5.110", 9 дона "T-7060", 2 дона "Axos" русумли ҳайдов тракторлари, 165 дона "TTZ-811", 80 дона "TTZ-100HC", 102 дона "Белорус" русумли чопиқ ва транспорт тракторлари, 48 дона "TT-40", "I38", "U62", "JINMA" русумли боғдорчилик тракторлари, "TZST CE-200", "MX-1,8" русумли 132 дона пахта териш машиналари, "CASE", "Доминатор-130", "Вектор-410" русумли 356 дона ғалла ўриш комбайнлари, 3 152 дона пуркагичлар ва 2 290 дона бошқа турдаги (чигит экиш сеялкаси, култиваторлар, ўт ўриш-майдалаш агрегатлари, омочлар) техникалар лизингга етказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарига янги турдаги "TZST CE-220" русумли пахта териш машиналари, "John Deere 6155M" русумли юқори унумли ҳайдов тракторлари, "GS-600" русумли минерал ўғит сепиш агрегатлари, "AGM-HM-24" русумли дон экиш сеялкаси, "ORBIS 450" русумли озуқа ўриш жаткаси, "PROMAR EKO", "ALFA-600", "BETA HP 600" русумли пуркагичлар лизингга етказиб берилиб, лизинг асосида етказиб бериладиган техникаларнинг жами тури 90 тага етказилди.

"Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарига қишлоқ хўжалиги техникалари учун 2019 йилда жами 928,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар молиялаштириб берилди.

Шундан:

"Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи"га – 290,6 млрд. сўм;

"ЎзКЛААСагро" қўшма корхонасига – 221,6 млрд. сўм;

"Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖга – 59,1 млрд.сўм;

"ЎзКейсмаш" ҚКга – 160,6 млрд. сўм;

“Chirchiq mash agro” МЧЖга – 27,1 млрд. сўм;

"Агрегат заводи" АЖга – 18,5 млрд. сўм;

“PL Texnika Servis Markazi” МЧЖга – 22,3 млрд. сўм;

Бошқа ишлаб чиқарувчиларга – 128,7 млрд. сўм молиялаштириб берилди.

Жамият томонидан жорий мажбуриятларни камайтиришга 2019 йил давомида алоҳида аҳамият қаратилди.

Жорий мажбуриятлар 2020 йил 1 январь холатига 172,8 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,5 млрд. сўмга камайтиришга эришилди.

2019 йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида Жамиятнинг соф активлари ҳисобот йилида 10,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 8,5 млрд. сўмга ўсди.

Жамиятнинг 2019 йил бўйича соф фойдаси 10,8 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 10,7 млрд.сўмни ёки Бизнес-режага нисбатан 99,5 фоизни ташкил қилди.

2019 йилда лизинг лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклардан 513 млрд. сўмлик ва 10,5 млн. евро миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилинди ва 185,5 млрд. сўм миқдорида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш жамғармаси маблағлари ўзлаштирилди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Сайфуллаев сўзга чиқиб, бугунги кунда Бошқарув томонидан “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш, молиявий ҳолатини яхшилаш учун қарздорлиги мавжуд бўлган “қарздорлар реестри”ни шакллантириш ҳамда ушбу мақсадни амалга оширишга “Йўл харитаси”ни тезкорлик билан ишлаб чиқиш ва шу асосда амалга ошириш чораларини кўриш лозимлигини билдирди.

Шунингдек, Умумий йигилиш Раиси томонидан ҳам жамиятнинг молиявий ҳолати муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, дебиторлик қарздорликни ундириш ва камайтириш бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқиш ҳамда шу билан бирга лизинг операцияларини мустақил ўз маблағларидан молиялаштириш масаласини ҳал қилиш кераклиги билдириб ўтилди.

Умумий йигилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти Ҳукуматимиз томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг асосида юқори унумли ва замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларини етказиб берди.

Мамлакатимиз Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга имконият беради.

Бунда кўзланган асосий мақсад, акциядорлик жамияти шаклидаги

корхоналарда сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, уларни экспорт қилишнинг асосий мезони бўлган замонавий бошқарувни йўлга қўйиш, бу жараёнда салоҳиятли хорижий менежерларнинг илғор тажрибасидан фойдаланишга қаратилди.

Ҳисобот даврида Корпоратив бошқарув талабларидан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши Жамият ижроия органи билан ҳамкорликда белгиланган йўналишлар бўйича ишлар олиб борди.

2019 йил мобайнида бир марта навбатдаги ва бир марта навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилди. Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши ваколатига киритилган:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматининг ҳисоботини эшитиб бориш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш каби бир қатор масалалар кўриб чиқилди ҳамда Кузатув кенгашининг тегишлича 13 та қарори қабул қилинди.

Кузатув кенгаши мажлисларида Жамият Бошқарув раиси ва ички аудит хизматининг жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисоботлари мунтазам эшитилиб, муҳокама натижасига кўра, Кузатув кенгашининг тегишлича тавсия ва кўрсатмалари бериб борилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

5. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш

Тафтиш комиссиясининг хулосаси жамият акциядорларига ва йигилиш қатнашчиларига тарқатилганлиги www.evote.uz сайти платформасига

жойлаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Умумий йигилиш Раиси А. Эргашев сўзга чиқиб, жамият Бошқаруви томонидан 2019 йил бизнес-режасида белгиланган фойда кўрсаткичи 0,5% га бажарилмагани, келгусида ишлар самарали ташкил этиш ва жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун тафтиш комиссиясининг таклифларини ўрганиб чиқиб, амалда тадбиқ этиш чораларини кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, жамият бошқарувига узоқ муддатли активлар бўйича ишлаш ва жамиятни жозибадорлигини ошириш лозимлиги юзасидан тавсиялар бериб ўтди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

6. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича "GLOBAL-AUDIT" МЧЖ томонидан 2020 йил 22 июнда берилган ижобий аудиторлик хулосаси аудитор Ж. Машарипов томонидан ўқиб эшиттирилди (аудитор хулосаси илова қилинмоқда). Жамият акциядорлари томонидан ташқи аудиторга жамиятни тақсимланмаган фойдаси бўйича саволлар берилди ва муҳокама қилинди.

Умумий йигилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

7. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш

Жамият Бош бухгалтери М. Лафасов сўзга чиқди ва Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 102-моддасига асосан, жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамиятнинг кузатув кенгаши 2020 йил 30 июндаги мажлиси томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини маълум қилди.

Жамият бош бухгалтери М. Лафасов жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказди (жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи илова қилинмоқда).

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А. Сайфуллаев, 2019 йилда ўтган 2018 йилга нисбатан дебитор ва кредиторлик қарздорликларни ўсишига нима сабаб бўлгани билан қизиқди ва унинг саволига жавоб берилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Жамият бошқарув аъзоси, Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи Э. Қурбонов томонидан кузатув кенгашининг 2020 йил 30 июндаги 263-сонли баённома

қарорига мувофиқ, жамият бўйича 2019 йил фаолият якунига кўра олинган **10 748 248,5** сўмлик соф фойданинг:

№	Соф фойданинг тақсимланиши	Миқдори (сўм)	Фоизда (%)
1	Захира фондига	537 412,4	5,0
2	Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун	9 137 093,2	85,0
3	Имтиёзли акцияларга дивиденд учун	12 675,0	0,1
4	Муаммоли активларга эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира яратиш	1 061 067,9	9,9
	ЖАМИ	**10 748 248,5**	**100**

Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва нақд пулда тўлаш йўли билан амалга оширилишини таклиф этди.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 219,3 сўмдан; номинал қийматнинг 8,65%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан, номинал қийматнинг 25%) дивиденд тўлови амалга ошириш таклиф қилинди.

Шунингдек, дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2020 йилнинг 24 августдан ва тугаш санаси 2020 йилнинг 23 сентябр қилиб белгиланди.

Шундан сўнг давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А. Сайфуллаев жамият кузатув кенгаши аъзоларига “Кузатув кенгаши аъзоларига мукофотлар тўлаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мезонларига кўра республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баробари миқдорида мукофот пули тўлаш, кузатув кенгаши котибига “Ўзагролизинг” АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробари миқдорида мукофот пули тўлаш ҳамда тафтиш комиссия аъзоларига “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ўз вазифаларини бажариб турган давр учун республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробари миқдорида ҳақ тўлашни таклиф этди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш

Жамиятнинг бош бухгалтери М. Лафасов Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд

акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига кўра, жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкинлигини маълум қилди.

"Ўзагролизинг" АЖнинг 2015-2016 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори 35 076 694 сўм 44 тийинни ташкил қилган.

2015 йил якунлари бўйича 232 та акциядор томонидан 15 106 375 сўм 14 тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмаган (акциядорлар руйхати илова қилинади).

2016 йил якунлари бўйича 308 та акциядор томонидан 19 970 319 сўм 30 тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмаган (акциядорлар руйхати илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, бош ҳисобчи жамиятнинг 2015 ва 2016 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан икки йил ичида 540 та акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган 35 076 694 сўм 44 тийин миқдоридаги дивидендларни жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш

Умумий йигилиш Раиси А. Эргашев сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасига кўра, ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар томонидан Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатишга ҳақли экани тўғрисида маълумот берди.

Юқоридаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги ҳамда "Туронбанк" АТБ, жамият Кузатув Кенгашига номзодлар тақдим этгани билдирилди.

Унга кўра, Давлат Активларини бошқариш агентлигидан номзодлар:

1. Эргашев Абдимухтор Эргашевич – Молия вазири ўринбосари;
2. Саттаров Тўлқин Абдихалилович – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари (мустақил аъзо);
3. Нусуров Исмат Нусратович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;
4. Матяшин Аркадий Николаевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи;
5. Имомов Воситжон Анварович – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори (мустақил аъзо);
6. Каримов Рустамжон Мухамаджанович – Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

"Туронбанк" АТБдан номзод:

1. Атамухамедова Умида Файзуллаевна – Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш

Умумий йигилиш Раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасига кўра, ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар томонидан Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақли экани тўғрисида маълумот берди.

Юқоридаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини бошқариш агентлиги ҳамда "Туронбанк" АТБ томонидан жамият Тафтиш комиссиясига номзодлар тақдим этилгани билдирилди.

Унга кўра, Давлат Активларини бошқариш агентлигидан номзодлар:

1. Самандаров Талъат Юлдашевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи;
2. Усманов Аббос Атхам ўғли – Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;
3. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли – Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

"Туронбанк" АТБдан номзод:

1. Рустамов Дилшод Абдухаписович – Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти бошлиғи.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

12. Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш

Умумий йиғилиш раиси А. Эргашев сўз олиб, қуйидагиларни қайд этди: "Ўзагролизинг" АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил 15 июлдаги 246-сонли баёни билан тасдиқланган "Ўзагролизинг" АЖда раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва уни такшил этиш регламенти"га мувофиқ танлов ўтказиш лозимлиги, бироқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 06 июлдаги 3481/03-08-сонли хати билан хисобот даврида бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларини ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)ни бажарган ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини ваколатли бошқарув органининг тегишли қарори асосида узайтириш юзасидан кўрсатма берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридаги масала бўйича савол-жавоблардан сўнг, умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш

Жамиятнинг Ташқи иқтисодий алоқалар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиги Б. Валиев ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Жамият акциядорларнинг 2016 йил 28 майда ўтказилган йиллик умумий йиғилиши баёни қарори асосида жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

"Корпоратив бошқарув кодекси"нинг 33-модасида, жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мазкур Кодекс талаби асосида жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган "Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни амалга ошириш бўйича саволнома асосида" "DEPO-INVEST-TRAST" МЧЖ томонидан ўтказилган ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, "Ўзагролизинг" АЖ фаолият самарадорлиги 32 баллга эга бўлиб, фоизли шкалада 3 фоизни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич "қониқарли" деб ҳисобланган.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

14. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш

Жамият юридик бўлим ҳуқуқшуноси Ш. Хасанов сўзга чиқиб, "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти ижроия аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2658-сон қарори билан тасдиқланганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги ПФ-5968-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилган ҳамда ушбу фармон 2-иловасининг 24-рақамида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2658-сон қарори 2-банди ҳамда қарорга 1б, 1в, 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб эътироф этилган.

Бугунги кунда, "Ўзагролизинг" АЖ ижроия аппарати тузилмасини корпоратив бошқарув тизимини жорий этган ҳолда, ривожланган давлатларда лизинг хизматларини кўрсатиш фаолиятини ўрганиб чиққан ҳолда жамият фаолиятини ривожлантиришнинг янгича тузилмасини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда.

Шу сабабли, Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартириш киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш масаласини бугунги йиғилишда кўриб чиқилмасдан, кейинги Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқишни таклиф этди.

Бундан ташқари, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 13 июлдаги 461/08-02-сонли хати билан жамият ижроия аппарати тузилмасини Кузатув кенгаши мажлисида атрофлича кўриб чиқиб, асосланган таклиф киритиш сўралган.

Умумий йиғилиш Раиси юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда масалани атрофлича ўрганиб чиққан ҳолда мазкур масала бўйича бюллетенда овоз беришни сўради.

15. Жамият "Бошқаруви тўғрисидаги Низом"ни янги таҳрирда тасдиқлаш

Жамият юридик бўлим ҳуқуқшуноси Ш. Хасанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сонли "Меҳнатга ҳақ

тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра амалда бўлган энг кам иш ҳақи тушунчаси республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори этиб белгиланганли ва яна бошқа ўзгартиришлар киритилганлигини билдириб ўтди.

Ушбу қарор талаблари доирасида ички меъёрий ҳужжатларга хусусан, "Бошқарув тўғрисидаги Низом"га ўзгартиш киритиш зарурияти туғилди. Шу муносабат билан "Бошқарув тўғрисидаги Низом" янги таҳрирда ишлаб чиқилди ("Бошқарув тўғрисидаги Низом" илова қилинади).

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

16. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига биноан, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасида эканлигини билдириб ўтди.

Шу муносабат аудит хизмати томонидан жамиятда 2020 йил фаолияти учун мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун аудит ташкилотини танлаш бўйича Жамиятнинг:

- *www.agroleasing.uz*веб сайтига;
- *"Biznes Daily"* Биржа иқтисодий газетасининг 2020 йил 30 апрелдаги 47-сонида (2674) эълон берилганлиги ва шунга мувофиқ Жамиятга 3 та тижорат таклифлари ("Global audit" МЧЖ, "FTF-LEA-audit" МЧЖ ва "CONS AUDIT INFORM AGENTLIGI" МЧЖ) аудит ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушган.

Ташкилот номи	Хизмат ҳақи минг сўм	Қўшилган қиймат солиғи минг сўм	Жами минг сўм	Ташкил топган йили	Ходимнинг халқаро аудиторлик сертификатига эгалиги
"Global audit" МЧЖ	100 000,0	15 000,0	115 000,0	1997 йил 22 апрел	9 ходими
"FTF-LEA-audit" МЧЖ	100 000,	15 000,0	115 000,0	2001 йил 19 июль	20 ходим
"Konsauditinform Agentligi" МЧЖ	321 739,1	48 260,9	370 000,0	1996 йил 26 март	5 ходим

Ўрганиб чиқиш жараёнида Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда 2018 йил якунлари бўйича ташқи аудитни ўтказган аудит ташкилотлари рўйхатида "FTF-LEA-AUDIT" МЧЖ; "GLOBAL-AUDIT" МЧЖ; "KONS AUDIT INFORM" МЧЖнинг яньни учта аудит ташкилоти рўйхатда мавжуд.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

17. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш.

Мазкур масала бўйича жамиятнинг Юридик бўлим мутахассиси Ш. Хасанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 85-моддаси 2-қисми 3, 4, 5 ва 6-бандларига мувофиқ "Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятига нисбатан аффилланган шахслар қуйидагилардир:

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари;
2. Жамият Бошқарув аъзолари;
3. Жамиятнинг "Ўзмашлизинг" МЧЖ, "Лизинг ахборот технологиялари" МЧЖ, "Лизинг техника сервис" МЧЖ каби тобе хўжалик жамиятлари;
4. Давлат активларини бошқариш агентлиги;
5. Давлат активларини бошқариш агентлиги қайси юридик шахслар устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахслар (Давлат активларини бошқариш агентлигидан тақдим этилган маълумотга кўра 473 та хўжалик юритувчи субъект, рўйхат илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этилиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кунлик муддат ичида ушбу битимларни ўрганиб чиқиб, уларни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вақт сарф этилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида ўз мавсумида (чигит ёки дон экиш, ерни ҳайдаш, ғаллани ўриш, ғўзага ишлов бериш ва ҳоказо) ва қисқа муддатларда етказиб берилиши талаб этилади. Аффилланган шахслар билан тузиладиган битимни расмийлаштиришга 20-25 кун вақт сарф этилиши, мавсумни ўтиб кетишига ёки мавсумдан кечикиб техника етказиб берилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 88-моддаси саккизинчи қисмида, ... *акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.*

Қонуннинг 83-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (19,65 млрд. сўм)дан юқори суммада тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилган.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан 2020 йил учун тасдиқланган "Бизнес режаси"га мувофиқ 2020 йилда 1 037,0 млрд. сўмлик қийматдаги техникаларни лизингга етказиб бериш ва бунинг учун 500,0 млрд. сўмлик қийматдаги кредит маблағлари жалб этилиши белгиланган. 2020 йил бошидан тижорат банклари томонидан 222,8 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди. "Бизнес режа"га мувофиқ яна 277,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар жалб қилиниши кутилмоқда. Шу

муносабат билан:

- кредит жалб этиш эҳтимоли кутилаётган тижорат банклари ("Агробанк" АТБ, "Асака" банк, АТ "Халқ банк", "Ипотекабанк" ва бошқа) билан бир неча босқичда ҳар бири 50,0 млрд. сўмдан 277,2 млрд. сўмгача ҳажмдаги бир неча кредит шартномаларини имзоланиши;

- жалб этилаётган кредитга таъминот берилиши бўйича "Ўзмашлизинг" МЧЖ (ёки бошқа аффилланган шахслар) билан кафиллик шартномаларини имзоланиши;

- республикамиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан лизингга етказиб бериладиган техникалар сотиб олиниши бўйича умумий қиймати жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (19,65 млрд. сўмдан)дан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланиши;

- аффилланган шахсларга фарзандини контракт асосида ўқитиши, тўй (мотам) маросимларини ўтказиши ҳамда уй-жой харид қилиши учун қарз маблағи ажратилиши эҳтимоли кутилмоқда.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2020 йил учун тасдиқланган "Бизнес режаси" параметрларини ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни лизинг олувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини ташкил этиш мақсадида, жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш масаласида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколати эканлигини билдирди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Умумий йиғилиш Раиси А.Эргашев Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни ва www.evote.uz платформаси орқали "электрон овоз бериш" натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси О.Сайфуллаев Умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2020 йил 24 июлдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 1 дона бюллетен тарқатилди ва 1 дона бюллетен йиғиб олинди. Қолган 7 дона бюллетенлар онлайн тартибда www.evote.uz сайтида электрон овоз бериш орқали амалга оширилди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 468 326 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 468 326 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

3. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар - 68181 дона акциялар (0,18%), бетарафлар - йўқ.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар - 68181 дона акциялар (0,18%), бетарафлар - йўқ.

5. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 468 326 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

6. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар –йўқ, бетарафлар - 68181 дона акциялар (0,18%).

7. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар –йўқ, бетарафлар - 68181 дона акциялар (0,18%).

8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 39 043 984 дона акциялар (98,92%), қаршилар –йўқ, бетарафлар - 68181 дона акциялар (0,18%).

9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 030 355 дона акциялар (96,36%), қаршилар –йўқ, бетарафлар – 1 437 971 дона акциялар (3,64%).

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига 7 та номзод сайланди.

1. Эргашев Абдимухтор Эргашевич;
2. Саттаров Тўлқин Абдихалилович;
3. Нусуров Исмат Нусратович;
4. Матяшин Аркадий Николаевич;
5. Имомов Воситжон Анварович;
6. Каримов Рустамжон Мухамаджанович;
7. Атамухамедова Умида Файзуллаевна.

11. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Овоз бериш натижалари:

1. Самандаров Талъат Юлдашевич – 39 100 296 дона акциялар (99,06%);
2. Усманов Аббос Атхам ўғли – 38 703 281 дона акциялар (98,06%);
3. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли – 38 186 310 дона акциялар (96,75%);
4. Рустамов Дилшод Абдухаписович – 1 974 184 дона акциялар (5,00%);

12. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар – 68 181 дона акциялар (0,18%), бетарафлар – йўқ.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар – 68 181 дона акциялар (0,18%), бетарафлар – йўқ.

14. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 2 330 345 дона акциялар (5,90%), қаршилар – 37 069 800 дона акциялар (93,92%), бетарафлар – 68 181 дона акциялар (0,18%).

15. Жамият Бошқаруви тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – 68 181 дона акциялар (0,18%).

16. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – 68 181 дона акциялар (0,18%).

17. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 39 400 145 дона акциялар (99,82%), қаршилар – 68 181 дона акциялар (0,18%), бетарафлар – йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот Умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Мирсаидова Манзура Муроджон қизи, Сайфуллаев Одилхон Собитхон ўғли ва Курбанбаев Дилшод Мақсудбековичдан иборат этиб тасдиқлансин.
2. Акциядорлар умумий йигилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ: Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Бошқарув

раиси вазифасини вақтинча бажарувчининг ҳисоботи учун - 20 дақиқа;

Кун тартибининг 4, 5, 6, 7 ва 10 - бандларида қайд этилган кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг, жамият йиллик ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 5 дақиқа;

Умумий йигилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3.1. Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А.Сайфуллаев томонидан жамият бошқарувига таклиф этилган тавсиялари, акциядорлик жамиятининг дебиторлик-кредиторлик қарздорлигини камайтириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича чоралар кўриб, жамият Кузатув кенгашига маълумот берилсин.

3.2. Жамият ижро органига жамиятнинг молиявий ҳолатини инобатга олиб, дебиторлик қарздорликни ундуриш ва муддати ўтган қарздорликларни юзага келтирмаслик бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқиш, шунингдек, жамиятнинг ижроия органининг тегишли бўлинмалари ва ҳудудий филиалларига дебиторлик қарздорликни ундириш бўйича масъулиятни ошириш вазифаси топширилсин.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 10 748 248 500 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

№	Соф фойда тақсимоти	Миқдори (сўмда)
1	Захира фондига	537 412 425,0
2	Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун	9 137 093 224,6
3	Имтиёзли акцияларга дивиденд учун	12 675 000,0
4	Муаммоли активларга эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира яратиш	1 029 139 340,4
5	Кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мезонларига кўра мукофот пули тўлашга	23 776 550,0
6	Тафтиш комиссия аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлашга	6 113 970,0
7	Кузатув кенгаши котибига "Ўзагролизинг" АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомга мувофиқ мукофот пули тўлашга	2 037 990,0
	ЖАМИ	**10 748 248 500,0**

8.1. Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва накд пул билан тўлаш йўли билан амалга оширилсин.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 219,3 сўмдан, номинал қийматнинг 8,65%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан, номинал қийматнинг 25 %) дивиденд тўлови амалга оширилсин.

Дивидендларни тўлаш пайтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўловлар амалга оширилсин.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилсин.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2020 йилнинг 24 августдан ва тугаш санаси 2020 йилнинг 23 сентябр қилиб белгилансин.

9. Жамият акциядорлари томонидан 2015-2016 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган 35 076 694 сўм 44 тийинни дивидендлар жамият ихтиёрида қолдирилсин.

Хусусан, 2015 йил якунлари бўйича 232 та акциядорнинг 15 106 375 сўм 4 тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмаган, 2016 йил якунлари бўйича 308 та акциядорнинг 19 970 319 сўм 30 тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмагани маълумот учун қабул қилинсин.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Эргашев Абдимухтор Эргашевич;
2. Саттаров Тўлқин Абдихалилович;
3. Нусуров Исмат Нусратович;
4. Матяшин Аркадий Николаевич;
5. Имомов Воситжон Анварович;
6. Каримов Рустамжон Мухамаджанович;
7. Атамухамедова Умида Файзуллаевна.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин.

1. Самандаров Талъат Юлдашевич;
2. Усманов Аббос Атхам ўғли;
3. Юнусов Шоввоз Шавкат ўғли.

12. Жамиятнинг амалдаги Бошқарув раиси А.Сулаймонов билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтирилсин.

13. Жамиятда “DEPO–INVEST–TRAST” МЧЖ томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

14. Жамият ижроия аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш масаласи давлат активларини бошқариш агентлиги таклифини ҳамда корпоратив бошқарув тизимини жорий этган ҳолда, ривожланган давлатларда лизинг хизматларини кўрсатиш фаолиятини ўрганиб чиққан ҳолда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилсин.

15. Жамият “Бошқаруви тўғрисидаги Низом” янги таҳрирда тасдиқлансин.

16. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунларини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “GLOBAL-AUDIT” МЧЖ ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини 115 000 000,0 (ҚҚС билан) сўм этиб белгилансин.

16.1. Келгусида “GLOBAL-AUDIT” МЧЖ 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун шартнома тузиш ва аудиторлик текширувини ўтказиш имконияти йўқолган тақдирда захирадаги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ билан шартнома тузишга рухсат берилсин.

17. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимлар тасдиқлансин:

17.1. Кредит жалб этиш эҳтимоли кутилаётган тижорат банклари (“Агробанк” АТБ, “Асака” банк, АТ “Халқ банк”, “Ипотекабанк” ва бошқа) билан бир неча босқичда 277,2 млрд. сўмгача ҳажмдаги бир неча кредит шартномаларини 2020 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилиши кунигача имзоланишига рухсат берилсин.

17.2. Жалб этилаётган кредитга таъминот берилиши бўйича “Ўзмашлизинг” МЧЖ (ёки бошқа аффилланган шахслар) билан кафиллик шартномаларини имзоланишига рухсат берилсин.

17.3. Республикамиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан лизингга етказиб бериладиган техникалар сотиб олиниши бўйича умумий қиймати жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (19,65 млрд. сўмдан)дан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланишига рухсат берилсин.

17.4. Аффилланган шахсларга фарзандини контракт асосида ўқитиши, тўй (мотам) маросимларини ўтказиши ҳамда уй-жой харид қилиши учун қарз маблағи ажратилишига розилик берилсин.

Умумий йиғилиш Раиси **А. Эргашев**

Котиб **Б. Валиев**